



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 127 (12.438)

Баҳоси эркин нарҳда

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Қадри дўстлар!

Авваламбор, сиз, азизларни, оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа соҳасида хизмат қилаётган инсонларни бугунги касб байрамингиз билан чин қалбимдан муборакбод этишдан ва барчангизга ўз ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан хурсандман.

27 июнь куни – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни деб эълон қилинган бу санага бу йил ропароса йигирма йил тўлаётгани нафақат соҳа хизматчилари, балки уларнинг ижод ва меҳнат маҳсулидан баҳраманд бўладиган миллионлаб муштарийлар, барча зиёлиларимиз томонидан мамлакатимизда кутлуг байрам сифатида нишонланаётгани ҳаммамизга катта мамнуният етказди.

Ҳеч шубҳасиз, ана шу тарихан қисқа даврда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари жамиятимизда амалга оширилаётган чуқур ижтимоий-сиёсий ислохотлар, замон талабларига жавоб берадиган демократик янгиланишларнинг кўзгусига, одамларимизни, кенг оммавий янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онг тафаккуримизни ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга, қисқача айтганда, кундалик ҳамроҳимизга айланиб бораётганининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Юртимизда янги ҳаёт қуриш, янги марраларни эгаллаш борасида босиб ўтган муштарик тараққиёт йўлимизни сарҳисоб қилар эканмиз, Ватанимиз эришган барча-барча ютуқларда, ҳаётимизда амалга оширилаётган, ўзгаларнинг ҳавасини торатётган улкан ўзгаришларда сиз, азизларнинг муносиб ҳиссангиз борлигини халқимиз яхши билади ва юксак қадрлайди.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларининг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири ортб, халқимиз ўртасида «Тўртинчи ҳокимият» сифатида тобора катта ишонч ва ҳурмат қозониб бораётган экан, бунинг негизига авваламбор журналистлар, кўп ҳолатларда кўзга ташланмайдиган камтарин муҳаррирлар, ноширлар, матбаа соҳаси ва замонавий ахборот-коммуникация тармоқларининг минг-минглаб заҳматкаш ишчи-хизматчиларининг кундалик оғир ва сермашақат меҳнати мужассам, десам, ўйлайманки, кўпчиликнинг фикрини ифода этган бўламан.

Шу борада жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими – буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очик ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс десам, айти ҳақиқатни айтган бўламан. Ва бу оғир юкни, бундай масъулиятли вазифани сиз, азиз дўстларим шараф билан ўз зиммангизда, ўз елкангизда кўтариб келмоқдасиз.

Матбуот, телевидение, турли информация воситаларининг – бугунги глобаллашув замонида жаҳон миқёсида барча-барча ўлкалар ва халқлар ҳаётида ҳал қилувчи ўрин олаётган бу соҳанинг тобора ошиб бораётган аҳамияти ва таъ-

сири ҳақида ортиқча гапиришга ҳожат йўқ, деб ўйлайман.

Бугунги кунда жамият, фуқаролик институтлари, қолаверса, ҳар қайси инсоннинг ҳаёти айнан ахборот-коммуникация соҳалари билан узвий ва чамбарчас боғланиб бораётганини инобатга олмайдиган мамлакат ўз ривожига умумбашарий тараққиётдан четда қолиб кетиши ва интеллектуал бойлигидан жудо бўлиши табиийдир.

Ҳаётда ўз тасдиғини топган ана шу ҳақиқатни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари фаолиятини давр талаблари даражасига кўтариш учун уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа ходимларининг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва нуфузини ошириш, машаққатли меҳнатини рағбатлантириш мақсадида марказий ва ҳудудий теле-радиоканаллар, вилоят ва туман газеталарида, мавжуд 150 дан зиёд нашриёт, 1630 дан ортиқ матбаа корхонасида кенг қўлмали ислохотлар, техник ва технологик янгилаш жараёнлари амалга оширилганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шулар қаторида матбуот ва оммавий ахборот воситалари, нашриёт, матбаа корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотлар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар берилгани, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишлар бугунги кунда ўзининг катта амалий самарасини бермоқда.

Айни вақтда аҳолининг тезкор ва ҳаққоний ахборот олишга бўлган эҳтиёжини юксак даражада таъминлаш, телекўрсатувларнинг мазмунини ва сифатини ошириш мақсадида мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш бўйича кенг қўлмали ишлар олиб боришмоқда. Фақатгина жорий йилнинг ўзида бу борадаги кўрсаткичи 42 фоиздан 45 фоизга етказиш кўзда тутилаётгани айниқса эътиборлидир.

Жумладан, охириги вақтда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси таркибига «Маданият ва маърифат», «Дунё бўйлаб», «Болажон» телеканаллари ташкил этилгани, ҳеч шубҳасиз, бу йўлдаги яна бир муҳим қадам бўлди.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг салоҳияти тобора ўсиб бораётганининг тасдиғини юртимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан қарийб 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етгани, фуқаролик жамиятининг муҳим шарти бўлган нодавлат оммавий ахборот воситалари тармоғи шаклланиб, самарали фаолият кўрсатаётгани, аънавий ахборот тизимлари билан бирга интернет сайтлари, интернет-радио, интернет-телевидение ҳам ҳаётимиздан кенг ўрин эгаллаб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин.

Ўзбекистон теле-радио каналлари томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар глобал тармоқ орқали реал вақт режимида дунёнинг қўллаб-даватлашга узатилаётгани, юртимиз оммавий ахборот воситаларининг аксарияти интернетда ўз веб-сайтига эга экани мамлакатимизнинг халқаро медиамакондан муносиб ўрин эгаллаши учун хизмат қилиши шубҳасиз.

Бугунги байрам кунини нафақат ана шундай ижобий натижалар ҳақида сўз юришти, балки матбуот ва оммавий ах-

борот воситаларимизнинг олдида турган долзарб вазифалар, йўлимизда ҳали-бери тўсиқ-ғов бўлиб, ўз ечимини кутаётган масалалар ҳақида ҳолисона ва атрофлича фикр алмашиб олишимиз айти мудо-дао бўларди.

Шу маънода, маънавий ҳаётимизни, бу йўналишда олиб бораётган сиёсатимизни, бугун шиддат билан ўзгариб бораётган замон билан уйғун ва ҳамоҳанг ривожлантириш мақсадида бизнинг ўзлигимиз, ҳаёт ва тафаккур тарзимизнинг ифодаси бўлган миллий қадриятларни кўз қорачигидек асраб, шу билан бирга, жаҳон миқёсида эришилган, эътироф этилган умумбашарий ютуқларга таяниб, уларни ўзлаштириб иш олиб боришимиз зарур. Ва айнан ана шундай мезонлар матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятининг асосий тамойилларини ташкил қилиши керак.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда ана шу талабларга жавоб бера оладиган, эски тузум асоратлари ва қолипларида бутунлай холи бўлган, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини, чет тилларни пухта эгаллаган журналистларнинг янги авлоди шаклланиб келаётгани барчамаизни қувонтиради.

Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларининг жаҳон ахборот майдонига ўзини муносиб намоян эга олиши бугунги кунда жуда катта аҳамиятга эга. Мана шундай ўта муҳим ва долзарб вазифани амалга оширишда давлатимиз, бугун жамиятимиз, шахсан ўзим зарур қўмак ва рағбатлантириш чораларини кўришга, сиз, журналистларнинг олдингизда пайдо бўлаётган турли муаммоларни биргалашиб ечишга тайёр эканлигини билдиришни истардим.

Барчамизга яхши аёнки, эл-юртимиз, жамиятимиз журналистлар фаолиятига авваламбор уларнинг ўз Ватани, ўз халқи ҳаётига дахлдорлик туйғуси, граждонлик позицияси, ижтимоий масъулиятига қараб баҳо беради ва ўйлайманки, бу энг тўғри ва ҳаққоний баҳодир.

Шу нуқтаи назардан қараганда, бугунги нотинч ва тахликали замонда юртимиздаги тинч ва осуда, эркин ва фаровон ҳаётни асраш ва мустаҳкамлашда сиз, азиз журналистлардан халқимиз янада кўпроқ фаоллик ва жонбозлик кўрсатишни кутишга ҳақлидир. Айниқса, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, бизнинг қандай буюқ тарих ва меросга эга эканлигини англаб, ана шу бебаҳо бойлиқни қадрлаб яшайдиган, биз бошлаган улуг ишларнинг муносиб давомчилари бўлган инсонлар этиб вояга етказишда матбуот ахлининг ҳаққоний сўзи, унинг таъсири гоят муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз лозим.

Мухтарам дўстлар!

Бугун юртимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари байрамини кенг нишонлар эканмиз, миллий журналистикамиз ривожини йўлида ўзини аямасдан, фидокорона меҳнат қилиб келаётган барча инсонларни, муҳтарам фахрийларимизни ушбу кутлуг сана билан яна бир бор салимий табриклайман.

Доимо соғ-омон бўлинг, умрингиздан, меҳнатингиздан барака топинг, азизларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва ролини мустаҳкамлаш, уларни янада эркинлаштириш, амалга оширилаётган ислохотларни оммага очик, ҳолис ва тезкор етказиш – давр тақозоси.

Мустақиллик йилларида миллий оммавий ахборот воситалари фаолияти сифати ва таъсирчанлигини, журналистлар маҳоратини оширишга қаратилаётган алоҳида эътибордан мақсад – халқимизнинг оммавий ахборот воситаларига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашдир. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, ўзини юртпарвар деб ҳис қиладиган ҳар бир журналистнинг Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро майдонда муносиб обрў-эътибор қозониши, бугунги нотинч замонда она юртимизни асраб-авайлаш, дўстни душмандан, окни қорадан ажратишга, аҳолиимизни доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашга даъват этишда ўз ҳиссасини қўиши алоҳида аҳамиятга эга.

Бу хизмат 27 июнь куни мамлакатимизда кенг нишонланган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни тадбирларида ҳам ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Шу куни Тошкентдаги Фафур Фулом номидаги маданият ва истироҳат боғида матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ва уларнинг оила аъзолари учун байрам сайиллари ташкил этилди.

Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган байрам тадбирида вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотларининг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, ноширлар, матбаачилар, журналистлар, олий ўқув юртли журналистика факультетларининг профессор-ўқитувчилари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Фуломов, маданият ва спорт ишлари вазири М.Ҳошимов, Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори О.Юнусов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида демократик ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида ахборот эркинлигини таъминлашга, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикрини, содир бўлаётган воқеаларга муносабатини ифода этадиган минбарга айлантиришга алоҳида

эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Мустақиллик йилларида миллий матбуотимиз замонавий талаблар асосида тубдан янгиланиб, ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони 1991 йилга нисбатан 3,5 баробар ортиб, 1326 тага етди. Бугун босма нашрларнинг қарийб 53 фоизи, теле ва радиоканалларнинг 64 фоиздан зиёди, веб-сайтларнинг эса 98 фоиздан ортиғи нодавлат оммавий ахборот воситаларидир.

Мамлакатимизда яшайдиган миллий ва эллатларнинг тўққиз тилида босма нашрлар фаолият юритмоқда, кўп тилли веб-сайтлар сони ҳам ошиб бормоқда. Телекоммуникациялар тизими суний йўлдош орқали дунёнинг 180 мамлакатига 28 йўналиш бўйича тўғридан-тўғри узатиладиган халқаро каналларга эга.

Президентимиз Ислом Каримов баён этган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги, «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида»ги, «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги каби қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва қабул қилишда матбуот вакиллари фаол иштирок этмоқда. Бу оммавий ахборот воситаларининг эркинлигини янада мустаҳкамлаш, жамоатчилик назоратини қучайтиришда муҳим аҳамиятга эга.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 декабрдаги «Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида»ги Қарорига биноан оммавий ахборот воситалари, нашриёт, полиграфия корхоналари ва матбуот тарқатувчи ташкилотларга бир қатор солиқ ва божхона имтиёзлари берилди. Бу нашриёт-матбаа ишларини модернизациялашни давом эттириш, ходимларга иш ва қалам ҳақи тўлаш ишларини, кадрлар салоҳияти ва малакасини юксалтиришда муҳим омил бўлаётди.

(Давоми 2-бетда)



2013 йилнинг 1 июлидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 5000 сўм бўлган янги пул билетларини муомалага чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари 144 x 78 мм. ўлчамдаги химояланган қорозда тайёрланган.

Банкнотнинг ўнг тарафидида кенг оқ рангли сатҳда Ўзбекистон Республикаси Герби ва «5000» рақами кўринишида сув белгиси мавжуд.

Оқ рангли сатҳнинг чап тарафидан қороз қатламида голографик эффектли ичкарига ботувчи ҳимоя иппи ўтказилган.

Билет олд томонининг юқори қисмида «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви мавжуд.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қиймати 5000 сўм бўлган пул билетларини муомалага чиқариш тўғрисида

Чап қисмида нақшкор элементлар фонида Ўзбекистон Республикаси Герби тасвирланган.

Гербининг пастки қисмида еттита рақамли номери билан икки лотин ҳарфидан иборат серияси жойлашган.

Нақшкор рамканинг ўнг ва чап бурчакларининг қуйи қисмида, шунингдек, Гербининг ўнг тарафидида билетнинг қиймати билдирувчи «5000» рақами тасвирланган.

Гербининг ўнг тарафидида «5000» рақами устига йирик ҳарфлар билан «SO'M» сўзи ёзилган. Ушбу таъсир тепасида билет қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.

Нақшкор рамканинг пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MI RESPUBLIKASI HURUDIDA HAMMA TO'LOVLAR UCHUN O'Z QIYMATI BO'YICHA QABUL QILINISHI SHART» ёзуви жойлашган.

Банкнотнинг жигарранг нақшкор рамкasi, «O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKI» ёзуви, Герб, ўнг ва чап томондаги «5000» рақамлари бўртиб туради, ушлаб қўрилганда сезилади.

Оқ рангли сатҳда жойлашган «5000» рақами унинг диагонали бўйича фарқланган икки хил рангда ишланган. Рақам

тепасида билетнинг номери ва серияси такрор кўрсатилган.

Оқ рангли сатҳнинг юқори қисмида қиялик бурчакларининг ҳолатига қараб рангини бронза рангидан яшил рангга ўзгартирувчи ва ушлаб қўрилганда билинадиган бўртиб турувчи нақш мавжуд.

Нақш тепасида банкнот чиқарилган йил «2013» кўрсатилган.

Банкнотнинг орқа томони чап қисмидаги оқ рангли сатҳда сув белгилари кўринади. Оқ рангдаги сатҳнинг юқори ва пастки қисмларида рангли нақшкор безаклар жойлашган бўлиб, пастки безак устида «5000» рақами акс эттирилган.

Банкнотнинг марказида «OLYI MAJLIS» меъморий биноси, бино гўмбазининг тепасида Ўзбекистон Республикасининг рангли байроғи тасвирланган.

Расмининг юқори чап бурчагида бир-бирини кесиб ўтувчи «5000» ва «SO'M» ёзувлари мавжуд бўлиб, уларнинг тепасида банкнотнинг қиймати сўз билан «BESH MING» кўрсатилган.



Уларнинг пастки қисмида турли баландликдаги, қиялик бурчакларининг ҳолатига қараб рангини ёрқин тилла рангдан оқ яшил рангга ўзгартирувчи иккита «5000» рақамлари жойлашган.

Шунингдек, банкнотнинг «5000» рақамдаги қиймати унинг юқори ўнг бурчагида ҳам тасвирланган.

Пастки қисмида «O'ZBEKISTON SO'MINI QALBAKILASHTIRISH QONUNGA MUVOFIQ TA'QIB QILINADI» ёзуви жойлашган.

Муомалага чиқарилаётган қиймати 5000 сўм бўлган пул билетлари, айти пайтда муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда, барча ҳўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли томонидан ўз қиймати бўйича барча турдаги тўловлар учун ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.



ЮКСАК РАҒБАТ ВА ЭЪТИБОР — ФАОЛЛИК ОМИЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол журналисти» аънавий республика кўрик-танлови фаол ва изланувчан, жамиятимиз ҳаётининг турли жабҳаларида кечаётган ислохотларни халқимизга етказишда алоҳида жонбозлик кўрсатаётган фидойи журналистларни аниқлаш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Жорий йилги танловга 142 ҳамкасбимиз томонидан 3 мингга яқин ижодий иш тақдим этилди.

Тадбирда «Йилнинг энг фаол журналисти» республика кўрик-танловининг бу йилги ғолиб ва совриндорларига диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан ўз ижоди билан юртимизда спортни омаллаштириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, ёшларни спортга кенг жалб этишга фаол ҳисса қўшаётган бир гуруҳ журналистлар тақдирланди.

Мамлакатимиз медиа муҳити ривожига заҳматқаш ноширлар, матбаа соҳаси ишчи-хизматчиларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ноширлар ва матбаа ходимлари меҳнатини муносиб рағбатлантириш мақсадида «Энг яхши нашриёт», «Энг яхши матбаа корхонаси», «Энг яхши муқоваловчи», «Энг яхши босма устаси» ва «Энг яхши технолог» номинациялари бўйича ўз мукофотларини таъсис этди. Йилгишда маъруза номинациялар бўйича ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

Умид ЁКУБОВ,
ЎзА мухбири

Халқимиз азал-азалдан оилани муқаддас билиб, унда соғлом муҳит қарор топиши ва мустаҳкам бўлишига алоҳида эътибор қаратиб келган. Аждодларимиздан мерос бу эзгу фазилатлар минг йиллар давомида сайқал топиб, бугунги ва келажак авлодлар учун муқаддас маънавий қадриятга, юксак маънавий туйғуга айланган. Бугун ҳам оилани ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оилавий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш, унинг мустаҳкамлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Унинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш масаласига муҳим вазифа сифатида ёндашилаётир.

Эътироф этиш керак, мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида жамиятнинг куйи бўғини — оиланинг ҳуқуқий асослари ҳам тобора мустаҳкамланмоқда. Халқимизнинг азалий қадрият ва аънавлари эътиборга олиниб, Конституциямизга алоҳида «Оила» боби киритилган. Тўрт моддани ўз ичига олган мазкур бобда оила жамиятнинг асосий бўғини эканлиги ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эгаллиги мустаҳкамлаб қўйилган. Шунингдек, унда никоҳ томонларининг иттиҳорий розилиги ва тенг ҳуқуқлилиги асосланган, ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуларига қадар боқиш ва тарбиялаш, ўз навабига, вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурликлари, фарзандлар, ота-оналарнинг насл-насаби ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар қонун олдида тенглиги, оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши ўз ифодасини топган.

Истиқлол йилларида мазкур конституцийий қондалар ҳаётга татбиқ этилиб, Оила кодекси, оила билан боғлиқ 50 га яқин қонун, Президентимизнинг 20 га яқин фармон, қарор ва фармойишлари, ҳукуматнинг 70 дан ортиқ қарор ва фармойишлари қабул қилинди.

«Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган ўтган 2012 йилда жамиятимизнинг асоси бўлиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларни, айниқса ёш оилалар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни қўллаб-қувватлаш, жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол авлодини тарбиялашда оиланинг ролини ошириш, мустаҳкам, соғлом оилани шакллантиришда маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва ролини қулайтиришга доир чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида Давлат дастури қабул қилинган бу борадаги ишларга янгича мазмун-моҳият бағишлади. «Оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир», деган эзгу тамойилнинг ҳаётини ифодасини тўлиқ рўёбга чиқаришга замин яратди.

Бўлардан қўланган мақсад эса, нафақат бахтли ва фаровон турмуш кечириш, балки эртанги кун эгаларини қимматли инсон қилиб тарбиялашдир. Зеро, инсон онги, характеридаги энг яхши фазилатлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар, аввало, оила бағрида куртак ёзади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шаклланиши, нимага қизиқиши унинг қандай оилада тарбия топинганига ҳам боғлиқ. Шу боис ота-боболаримиз оиладаги ўзаро муносабатларга, фарзанд тарбиясига ҳолат доғлар ва нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратишган.

Маълумки, оиланинг мустаҳкамлигини таъминлашда унинг фаровонлигини ошириш муҳим ўрин тутди. Ўтган йиллар давомида Президентимизнинг фуқаролар даромадини қўлай-

тириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, қасаначилик, хунарамандлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармон ҳамда қарорлари қабул қилиниб, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди. Юртимизнинг даромади ошиши, оилалар тўқинлиги, фаровонлиги учун зарур шарт-шароитлар яратилмоқда.

Жамиятимиз таянчи бўлган оиланинг мустаҳкамлигини таъминлаш, унинг ҳуқуқий асосларини янада тақомиллаштириш тўғрисида фикр юритаётган эканмиз, қуйидаги масалаларга ҳам қисқача тўқналиб ўтишимиз жоиз.

Фарзанд тарбиясига энг аввало ота-она масъул ҳисобланади. Фарзанднинг феъл-атвори, табиати ва дунёқарашини

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ – 2012» ТАНЛОВИ ҒОЛИБЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов ғолиблари

Аъло Абдуллаев — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзАнинг Фотоахборот тахририяти фотомухбири — Мамлакатимиз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари, республикамизнинг халқаро майдондаги нуфузи акс этган фоторепортажлари учун.

Саидолим Абдурахмонов — «Адолат» газетасининг махсус мухбири

Жамият ҳаётида юз бераётган демократлаштириш жараёнлари акс этган, долзарб масалалар ёритилган таҳлилий-танқидий материаллари учун.

Насриддин Асриiddинов — «Ёшлар» телерадиоканали катта мухбири — Ёшлар маънавиятини юксалтиришга бағишланган «Бугуннинг гапи» тоқшоулари учун.

Эркин Ёдгоров — «Бухоронома» газетасининг иқтисодий бўлими мухбири — Вилотда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар кенг таҳлил этилган мақолалари учун.

Барчиной Жўраева — ЎзМТРК «Дунё бўйлаб» телеканали Ахборот-таҳлилий дастурлар муҳаррирининг бош муҳарири ўринбосари — Истиқлол йилларида республикамизда эришилган ютуқлар, халқимизнинг бой маданий мероси, миллий аънава ва қадриятларини кенг тарғиб этишга қаратилган «Дунё ичра дунё — Ўзбекистоним!» туркумидаги кўрсатувлари учун.

Мамадиёр Зиёiddинов — «Халқ сўзи» газетасининг Самарқанд вилояти бўйича ўз мухбири — Мамлакатимизда ва вилотда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишларининг қўлами ва самаралари, шунингдек, қишлоқ ҳудудларида намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қурилиши тўғрисидаги мақолалари учун.

Луиза Махмудова — «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги Халқаро ахборот тахририяти бош муҳарири (интернет-журналистика) — Ўзбекистоннинг халқаро майдонда олиб бораётган

ташқи сиёсати, унинг стратегик устувор йўналишлари мазмун-моҳияти таҳлилий ёритилган материаллари учун.

Тамара Машарипова — Қорақалпоқ давлат университети Журналистика кафедраси катта ўқитувчиси, «Қорақалпоқ давлат университети ахборотномаси» масъул котиби — Мамлакатимизда амалга оширилаётган Қадрлар тайёрлаш миллий дастури ижросига доир педагогик ва ижодий фаолияти учун.

Ҳабиб Пулатов — НТТ телеканали «Худуд» ахборот-таҳлилий дастури мухбири — «Мустаҳкам оила йили» ва «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси ҳақидаги туркум кўрсатувлари учун.

Озода Яхшибоева — Қашқадарё вилояти телерадиоканали мухбири — Хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи ва ролини юксалтириш, ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини оширишга қаратилган давлат сиёсатини тарғиб этган материаллари учун.

Қуйидаги журналистлар ижодий танловнинг рағбатлантирувчи мукофотиغا сазовор бўлдилар:

Меҳри Абдурахмонова — (Жиззах вилояти) — Вилот ўрта махсус ва касб-ҳунар бошқармаси наشري — «Келажак бунёдкори» газетаси бош муҳарири

Муҳаммад Абдусаматов — Фахрий журналист

Арухан Акпаббетова — «Нурлы жол» газетасининг адабиёт, маданият ва санъат бўлими мухбири

Шоҳида Даманова — «Миллий тиклаш» газетаси мухбири

Мукаррам Жалилова — ЎзМТРК «Тошкент» телерадиоканали «Пойтахт» ахборот дастури бош муҳаририяти бўлим мудири

Мафтунахон Мамасиддиқова — (Фарғона вилояти) «Марғилон-ТВ» телеканали мухбири

Раҳим Мақсудов — (Навоий вилояти) — «Қизилтепа тоғи» туман газетаси бош муҳарири

Қамолддин Мингбоев — (Сурхондарё вилояти) — «Сариосиё» туман газетаси мухбири

Анорбой Норкулов — (Сирдарё вилояти) — «Мирзабод» газетаси бош муҳарири

Муҳаммад Обилов — (Наманган вилояти) — Вилот телерадиоканали «Олтин замин» радиоси бош муҳарири

Оллоберган Ражабов — (Хоразм вилояти) — «Хоразм ҳақиқати» газетаси агросаноат бўлими мудири

Екатерина Соболева — «Uzbekistan Today» газетаси мухбири

Нигора Шофайизова — (Тошкент вилояти) — Ангрэн шаҳар «Улғу йўл» газетаси муҳарири ўринбосари

Жаҳонгир Эгамназаров — (Андижон вилояти) — «Тараққиёт» телерадиоканали мухбири

Дилфуза Қўзиева — «Фермер» журнали масъул котиби

масалалари бўйича маслаҳатчилар фаолияти ривожлантирилгани, уларнинг соғлом оилани шакллантириш, оилавий масалаларга оид қонун меъёрларини тушунириш ва уларга риоя қилиш бўйича тарғибот ишларини амалга ошираётгани натижада оилавий келишмовчиликларни маҳалла доирасида, қўни қўрган кўксалар, фаоллар ёрдамида, ортиқча расмийликка йўл қўймай ҳал этиш орқали жамият ҳаётининг устуни бўлган оилани мустаҳкамлаш оdatи қайта тикланди.

Мирзо Улугбек туманида айни пайтда 76 800 оила истиқомат қилаётган бўлса, уларнинг 31000 таси ёш оилалардир. Катта ҳаётини таҳрибга эга маслаҳатчилар иштирокида туманимиз ҳудудида яшаётган оилалар ўрганиб чиқилди. Моддий ёрдамга муҳтож 972 оила аниқланиб, уларга фуқаролар йиғини ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг ҳудудий бўлими ва бўлинмалари томонидан моддий ёрдам тайинланган.

Туман ҳудудида истиқомат қилаётган нотинч оилалар, фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи ота-оналар, жиноятчилик, айниқса, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишабозлик, шунингдек, қизларни эрта турмушга бериш ҳолатларининг олдини олиш борасида жамият оиланинг ўтган даврида жойларда 25 та тадбир, суҳбат ва урчушулар ўтказилиб, тушунириш ишлари олиб борилади. Бу каби тадбирларни янада қулайтириш мақсадида прокуратура ва ўзини-ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш чоралари қўрилмоқда.

Қўрилаётган чора-тадбирларга қарамай, айрим кўрсаткичлар бу борада олиб борилаётган ишлар қутилган самарани бермаётганини кўрсатади. Ҳозирда туман ҳудудида профилактик ҳисобга олинган нотинч оилалар сони 310 тани ташкил этиб келмоқда. Табиийки, нотинч оилалар сонининг ошиши оилавий ажримлар қўйилишига олиб келади.

Оиланинг икки таянчи бор: Бир — иқтисодий, иккинчиси — маънавий. Бу икки таянчдан биттаси дарз кетган тақдирда ҳам оила мустаҳкам бўлиши қийин. Одатда, ақсарият ҳолларда оилалардаги нотинчлик сабаби иқтисодий етишмовчиликдан кидирилади. Аслида шундайми? Иқтисодий жиҳатдан кам-кўстис бўлган оилаларда ҳам келишмовчилик ва ажралишлар кўп учрайди. Бунга оиланинг маънавий устуни мустаҳкам эмаслиги сабабдир. Бу ўринда одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, ўзаро муносабатлардаги ҳурмат-иззат, сабр-қаноат, маърифат кўзда тутилмоқда.

Туман миқёсида ажралиш ҳолатларини умумлаштириб таҳлил этганда, оилаларнинг бузилишига эркакнинг спиритли ичимлик истеъмол қилиши, гиёҳвандликка ружу қўйиши, оилавий ҳаётга қайнона, қайнона ва бошқа шахсларнинг аралашуви сабаб бўлмоқда.

Яна бир жиҳат ёшларни оила қуришга тайёрлаш масаласига эътибор қаратиш керак бўлади. Кўпчилик ота-оналар ўз орзу-хавасини деб ҳали оқ-қорани таниб улгурмаган фарзандларини оила қуришга мажбур этишди. Ҳали оила бошлиғи деган масъулиятни зиммасига олишга тайёр бўлмаган йигит ёки эрта турмушга узатишга қизини оилани сақлаб қолишга сабр-тоқати, оила муқаддаслигини англашга таҳрибаси етмаслиги мумкин. Шу сабабдан, мутасаддилар, маҳалла фаоллари низоли оилалардаги шарт-шароитни, зиддиятга олиб келган сабабларни обдон ўрганиши ва оилани сақлаб қолиш чораларини қўриши керак.

Буюк адиб Лев Толстой «Ўз уйда бахтли бўлган инсонгина бахтлидир», деганида нақадар ҳақ эди. Чунки инсон ҳақиқий бахтини ўз оиласидаги ҳаловатдан, қувончли оиларидан топади. Бу эса оиланинг мустаҳкамлигига боғлиқ.

Абдуқаҳор ТўХТАБОВЕВ,
Мирзо Улугбек туман прокурори



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида «Тўқимачилик ва енгил саноатга кадрлар тайёрлаш» мавзuida видео-конференция ўтказилди. Унда олий таълимнинг тўқимачилик ва енгил саноат йўналишларида кадрлар тайёрлаш тизимига доир долзарб масалалар муҳокама этилди.

● Наманган шаҳридаги Захириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида «Аёл зийнати — миллат кўзгуси» деб номланган хотин-қизлар фестивали бўлиб ўтди. Вилот хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган мазкур фестивалда вилотнинг шаҳар ва туманларидан турли соҳа ва йўналишларда самарали фаолият юритаётган, хунарамандчилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётган аёллар, намунали оила бекалари, спортчи қизлар қатнашди.

● «Гулистон пакет импекс» масъулияти чекланган жамияти аҳоли кундалик турмушида зарур бўлган — турли ҳажм ва шаклдаги целлофан пакетлар тайёрлашни йўлга қўйди. Йилига 120 тонна полиэтилен маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу корхонага 77,5 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди.

● Термиз шаҳрида «Биз — гиёҳвандликка қаршимиз!» шиори остида оммавий марафон ўтказилди. Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, вилот маданият ва спорт ишлари, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими бошқармалари, ҳуқуқ-тартибот идоралари, Термиз давлат университети, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди вилот бўлими, «Қамолот» ЁИХ вилот кенгаши ва бошқа жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда таълим муассасалари, ташкилот ва корхоналар ҳамда маҳаллалардан мингдан ортиқ фуқаро иштирок этди.

● Учқудук туманидаги «Учқудук брокер сервис» масъулияти чекланган жамиятида 120 миллион сўм эвазига шлакоблок ҳамда йўлак қопламалари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Ушбу хайрли ташаббус ўндан ортиқ кишини иш билан таъминлаш имконини берди. Корхонанинг хорижий технология асосида тайёрланаётган маҳсулотлари намунали лойиҳалар асосидаги турар жойлар қурилишида кенг қўлланилмоқда.

ЖАҲОНДА

● БМТ иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш департаменти томонидан тайёрланган маълумотномага кўра, бугунги кунда ер куրрасида 7,2 миллиард аҳоли истиқомат қилаётган бўлса, 2025 йилга бориб бу кўрсаткич 8 миллиарддан ошади, аср ўрталарида эса 9,6 миллиардга етади. Аҳоли сонининг ошиши асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига рўй беради. Департамент башоратларига кўра, 2028 йилга бориб Ҳиндистон аҳоли сони бўйича Хитойдан ўтиб кетади ва ушбу вақтга келиб ҳар иккала мамлакат аҳолиси 1 миллиард 450 миллион кишига етади.

● Кеча жаҳоннинг бешта йирик шаҳри — Лондон, Нью-Йорк, Мельбурн, Истанбул ва Санкт-Петербургда Япониянинг «Mazda» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган сўнгги русумдаги автомобилнинг тақдими бўлиб ўтди. Ушбу ҳайдовчи ва йўловчилар учун жуда қулай, юқори от қучига эга автоуловнинг жорий йилнинг сентябрь ойидан сотувга чиқарилиши мўлжалланмоқда.

● Кейинги пайтларда кучли ёмғир ёғиб, Парана ва Игуасу дарёларида сув сатҳининг кескин кўтарилиши боис Аргентинадаги «Игуасу шаршаралари» миллий боғи вақтинча ёпиб қўйилди. Шунингдек, сув миқдори ҳаддан зиёд кўпайиб кетгани сабабли Бразилия жануби ва Парагвайни электр энергияси билан таъминловчи Итайпу ГЭСи маъмурияти ҳам сув омборидаги тўсиқларни очиб юборди.

КАСБ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

**ШАҲРИМИЗ САВДО, МАТЛУБОТ
ЖАМИЯТЛАРИ ВА МАИШҲИЙ ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ!**

Сизларни касб байрамингиз билан чин юракдан
табриклаймиз. Барчангизга мустаҳкам соғлиқ,
ойлавий бахт, халқимиз дастурхонига файзу барака
ва тўқинлик бахш этишдек эзгу ишларингизда улкан
муваффақиятлар тилаймиз.

Юрт равнақи ва фаровонлиги йўлида олиб
бораётган ишларингизда омад ва зафар ёр бўлсин!

Тошкент шаҳар Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси
ва халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқариш
департаменти жамоаси

Давлатимизда таълим соҳасини босқичма-босқич,
аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда ислоҳ қилиш
бўйича узоқни кўзлаган дастурлар изчил амалга
оширилмоқда. «Таълим тўғрисидаги» ги Қонун
Кадрлар тайёрлаш миллий дастури баркамол
авлодни вояга етказиш, етук мутахассислар
тайёрлаш, ёшларнинг пухта билим олиши,
иқтидорини тўла намоён этиши ва жамиятда ўз
соҳаси бўйича иш билан таъминланишида муҳим
аҳамият касб этмоқда.

Учтепа туманидаги Тошкент иқти-
содиёт ва сервис коллежидан 2012-
2013 ўқув йилидаги битирувчилар
сонини 601 нафар бўлиб, 497 та кор-
хона ва ташкилотлар билан уч ёқлама
шартнома тузилган. Жумладан, ушбу
корхоналарнинг мутасадди раҳбарла-
ри ўқувчилар ва уларнинг ота-онала-
ри билан жонли мулоқотлар олиб бо-
радилар. Муассасалар ҳақида тўлиқ
маълумот бериш
билан бирга,
ёшларни янги иш
ўринлари билан
таъминлаш, яратил-
ган шарт-шароит ва
қулайликлар, ойлик
маошлари ҳақида
батафсил маълумот
берадилар.

Айни пайтда ик-
кинчи ва учинчи
босқич талабалари
орасида «Устоз ва
шогирд» анъанаси
давом эттирилиб, 9та йўналиш бўйи-
ча 21 ташкилот ва муассасалар бил-
лан ҳамкорлик алоқалари ўрнатил-
ган. Ўқувчилар ўқишдан ташқари ва
таътил пайтларида махсус фан
ўқитувчилари ва амалиёт раҳбарла-
ри билан мутахассисликлари бўйича
билимларини амалиёт орқали бойи-
тиб борадилар.

Бугунги кун ёшларнинг ҳар то-
монлама етук кадрлар бўлиб етиши-
ши, халқаро андозалар асосида юк-
сак даражада билим олиши ва кела-
жада ўз соҳасининг етук мутахас-
сиси бўлиб етишиши учун мамлака-
тимиздаги ўқув муассасаларида бар-
ча шароитлар етарли, — дейди Тош-
кент иқтисодиёт ва сервис коллежи
директори Ҳаёт Муҳитдинов биз бил-
лан суҳбатда. — Ўқув муассасамизни
битирган ва битираётган ўқувчилар-
имизни иш билан таъминлаш бо-
расида ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Аксинча шаҳримизда фаолият олиб
бораётган корхона ва ташкилотлар
бизга ўз иш ўринларини тақлиф қил-
моқдалар. Модомики Юртбошимиз
томонидан истиқболи порлоқ ёшлар-
имизнинг бахтли ва фаровон ҳаёти,
мустаҳкам пойдеворли келажаги учун
шундай имкониятлар яратилаётган
экан, ёшларимиз бундан унумли
фойдаланишлари лозим. Бунинг учун

Ўқув муассасаларида

ЁШЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДАГИ САЪЙ- ҲАРАКАТЛАР

улардан биргина нарса, яъни кунт
билан яхши ўқиш, ўрганиш, ўз му-
тахассислигини етарли даражада
йўналишдаги ўқув муассасаларида бўлиб ети-
шиш талаб этилади. Умид қиламиз,
ки ёшларимиз яратилаётган замона-
вий шарт-шароитларнинг қадрига
этиб, халқимизга ҳалол хизмат қи-
ладилар. Жаннатмақом юртимизнинг
гуллаб-яшнаши ва равшанлиги учун
йўлида тинмай изланадилар ва меҳ-
нат қиладилар.

Тошкент иқтисодиёт ва сервис
коллежи бугунги кунда саккизта
йўналишда фаолият олиб боради.
Хўжалиқнинг ҳуқуқий, бухгалтер-
терия ҳисоби, кадастр ишлари, қишлоқ
хўжалиги маҳсулотларини стандарт-
лаш, метеорология ва санитария-
лаш, автомобилларни таъмирлаш ва
техник хизмат кўрсатиш, молия,
қишлоқ хўжалиги машиналарини таъ-

мирлаш ва техник хизмат кўрсатиш
шулар жумласига кирилади.

Ўқув муассасасида бугунги кунда
10 нафар ўқитувчи ва 8 нафар кас-
бий таълим устаси фаолият юрита-
ди. Шулардан 5 нафари фан номзо-
ди, 2 нафари бош ўқитувчи, 6 таси
ётакчи ва 25 та катта ўқитувчилар.
62 нафари ёш мутахассислардир.
Улар дарсларда ноанъанавий усул ва
ёшларнинг жорий этилиши нати-
жасида ўқув машғулотларининг қизи-
қарли ўтишини таъминлашади.

Ўтган йилда 507 нафар ёшлар
ўқув муассасасини битирган бўлиб,
улардан 491 нафари бугунги кунда
иш билан таъминланган. 15 нафа-
ри эса олий таълим муассасалари-
да ўқишни давом эттирмоқдалар.
168 нафари ўз мутахассислиги бўйи-
ча фаолият олиб бормоқда. Тур-
дош ва унга яқин бўлган соҳада 304
нафари ишляпти. 5 нафар бити-
рувчи эса Ўзбекистон Қуролли Куч-
лари сафида ўз йигитлик бурчини
ўтамоқда.

1320 ўринли
ўқув биносида
лаборатория, чи-
лангар, тех-
ник хизмат кўрс-
атиш ва пайванд-
лаш хоналари
мавжуд. Шунинг-
дек 2 та аудио ва
видео хоналари,
400 ўринли мада-
ният саройи,
икки мингдан
ортиқ ўқув адаби-
ётлариغا эга ах-
матиди.

борот-ресурс маркази, 200 ўрин-
ли ошхона, 200 ўринли барча
қулайликларга эга ўқувчилар турар
жойлари мавжуд. Иккита компью-
тер, иккита лингафон хоналари,
комбайн ва автомобилларнинг мак-
кет хоналари, очик ва ёпиқ спорт
майдончалари, битта мини-футбол,
волейбол, баскетбол майдончалари,
етти турдаги спорт тренажёр-
лари зали ҳам ўқувчилар, ўқитув-
чилар ҳамда маҳалла ёшлари хиз-
матида.

Ҳа, бугунги кунда ёшларимизнинг
келажақда етук мутахассислар бўлиб
етишишида давлатимиз томонидан
барча зарур қулайликлар яратилиб,
уларга етарли шароитлар яратил-
моқда. Ёшларнинг бандлигини таъ-
минлаш эса мамлакатимизда ёшлар
камолотига нисбатан эътиборнинг
ўзига хос кўринишидир

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Тиббиёт

МАҲАЛЛИЙ ШАРОИТГА МОС АМАЛИЁТЛАР

Ҳамширалар касбий таълимини ри-
вожлантириш орқали ҳамширалик иши
жараёни ҳам йўлга қўйилди. Янги таъ-
лим дастурлари асосида ташкил этила-
ётган ўқув семинарлари жаҳон андоза-
лари даражасига кўтарилди.

«Шахслараро мулоқот», «Кўкрак сути
билан боқиш», «Бирламчи тиббий сани-
тария тизимида ҳамширалар ишининг
асосий кўникмалари», «Бехатар оналик»
мавзуларида уюштирилган ўқув семинар-
лари ўз ижобий натижасини берди. Ай-
ниқса, ушбу таълимий дастурлар патро-

наж ҳамширалар фаолиятида муҳим ўрин
тутмоқда.

Бирламчи тиббий санитария тизими-
да патронаж ҳамширалар фаолиятини
янада такомиллаштириш мақсадида
Буёқ Британиялик экспертлар ҳамкор-
лигида янги стандартлар ишлаб чиқил-

ди. Ушбу жараёнда патронаж ҳамшира-
лар маҳаллий шароитга мос амалиёт-
лар билан шугулланишга киришдилар.
«Туғруқдан кейинги парвариш» мавзуси
доирасида ҳам тарғибот ишлари бош-
лаб юборилди.

Баҳром АХМЕДОВ

Қозоғистонда оғир атлетика бўйича
уюштирилган Осиё чемпионати якунига етди.

ҲАМЮРТИМИЗ — ОСИЁ ЧЕМПИОНИ

Кувонарлиси, кейинги йилларда халқаро турнирларда анча муваф-
фақиятли иштирок этиб келаётган Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси
Руслан Нуриддинов ўз вази тоифасида қўлда энг маҳоратли спортчи
эканлигини яна бир қарра исботлади. У даст кўтаришда 105 кило-
грамм, силтаб кўтаришда 191 килограмм тошни ўзига бўйсундирди
ҳамда қўлда биринчилигининг учта олтин медалини қўлга киритди.

ТЎПУРАРЛАР КЛУБИГА АЪЗО БЎЛИШДИ

Йигирма икки йилдирки, юртимизда
миллионлар ўйини футболни ривожлантириш
йўлида ўзига хос ислохотлар амалга
оширилмоқда.

Футбол ривожига муносиб ҳисса қўшиш, ёшлар орасида ушбу
спорт турини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон футбол феде-
рацияси ташаббуси билан Геннадий Красницкий номидаги тўпура-
лар клуби ташкил қилинган муҳлисларга маълум.

Профессионал футбол лигаси жамоалари «Гулистон» — «Локомо-
тив» аъзоси Акмал Холматов Ўзбекистон чемпионатида ра-
қиблар дарвозасига 100 тадан гол киритиб тўпуралар клубига ки-
ришди. Учрашув якунланган Ўзбекистон футбол федерациясининг со-
винлари ҳамда эсдалик совғаларини бу икки футболчига 1967-1979
йилларда «Пахтакор» сафида тўп сурган маҳоратли ҳужумчи, ҳозирда
футболимиз фахрийси Тўлаган Исоқов топширди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ бошлан-
гич баҳоси охириб бориш тартибиде ўтказилади-
ган очик аукцион савдоларига тақлиф этади!
Савдога Олмазор туман СИБ томонидан, ФИБ
Шайхонтоҳур туманлараро судининг 2013 йил 24 ян-
вардаги 1-437/13-сонли ижро варақасига асосан, Тош-
кент шаҳри, Олмазор тумани, О.Бобохонов кўчаси,
22-уй манзилида жойлашган, 3 хонадан иборат, умум-
ий фойдаланиш майдони 66,40 кв.м., яшаш майдо-
ни 43,72 кв.м. бўлган 78-хонадон такроран қўйил-
моқда. Бошлангич баҳоси — 56 200 000 сўм.

Савдо 2013 йил 19 июль кунини соат 11:00 да
бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат
10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00
гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги
муддати: 2013 йил 17 июль кунини соат 18:00.

Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўли-
мининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб
танишнинг мумкин. Талабгорлар мулк бошлангич ба-
ҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зака-
лат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва
санасини кўрсатган ҳолда «Ko'snmas Mulk Savdo
Xizmati» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон
Ф-даги 20208000904920609114, МФО: 01036, СТИР:
207122519 х/рга тўлашлари шарт. Манзил: Тошкент
шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамш кўчаси, 1-А-
уй. Тел: 228-79-52. www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида 29 июль
кунини ҳаво ўзгариб туради, вақ-
ти-вақти билан ёмғир ёғиши,
момалаларда бўлиши мумкин.
Ҳарорат сезиндиги 5-10 метр тез-
ликда, қунайган ҳолда секундига
12-17 метр тезликда шамол

эсади. Ҳарорат кечаси —
18-20, кундузи — 28-30
даража иссиқ бўлади.
Ўзгидрометнинг мони-
торинг хизмати маълум-
отига кўра, 29 июнда
Тошкент шаҳри об-ҳаво
шароити шаҳар ҳаво муҳитида
зарарли моддаларнинг бир оз
тарқалиб кетишига имконият
яратди. Атмосферанинг иф-
лосланиш даражаси 1-3 фоз
поясйиши таҳмин қилинмоқда,
тағкиқдори паст бўлади.

